

ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Муҳтарам жамоат! Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинки, сизу бизни Қурбон ҳайитидек улуғ кунларга етказди! Бу кунда ҳамма баробар хурсанд бўлади, Аллоҳ таолонинг кўплаб хайру баракаси ер юзидаги бандалари устига ёғилади. Зеро, мусулмонларнинг энг мўътабар байрамларидан бири Қурбон ҳайити Зулҳижжа ойининг 10-куни нишонланади. Қурбон ҳайити Ҳаж ибодатлари тамом бўлгани муносабати ила ҳамда Аллоҳ азза ва жалланинг йўлида қурбонлик қилишга тайёрликни изҳор қилишлик учун шариатга киритилган байрам ҳисобланади.

Қурбонлик қилиш тўғрисида Қуръони каримда қуйидагича келган:

فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَنْحَرْ ﴿٢﴾ (سورة الكوثر/2).

яъни: **“Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг!”** (Кавсар сураси, 2-оят). Ушбу ояти каримани олимларимиз қурбонликнинг вожиб эканлигига далолат қилади, деб тафсир қилишган.

Динимиз буюрган молиявий ибодатлардан бири зулҳижжа ойининг ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи кунларидан бирида қурбонлик қилишдир.

Қурбонлик Аллоҳ йўлига жонлик сўйиш бўлиб, унинг замирида бой-бадавлат кишилар ўз тасарруфларидаги мол-дунёдан боқувчисини йўқотганлар, етим-есир, қарздорлар, қўни-қўшнилар ва кам таъминланган оилаларга хайр-эҳсон қилиш ётади. Бу билан жамият аъзолари ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади.

Шунга кўра Қурбон ҳайити кунлари Аллоҳ таолога севимли энг яхши иш қодир бўлганларнинг қурбонлик сўйишидир. Қурбонлик қилиш Иброҳим Халилуллоҳдан қолган амал бўлиб, Ҳанафий мазҳабимиз бўйича закот нисобига етарли маблағга эга бўлган кишилар учун вожибдир.

Қурбонликка аъзоларида ҳеч қандай айбу нуқсонни йўқ туя, қора мол, қўй ва эчки сўйиш мумкин. Пайғамбаримиз ﷺ нинг муборак ҳадисларида:

عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: "عَظَمُوا ضَحَايَاكُمْ فَإِنَّهَا عَلَى الصِّرَاطِ مَطَايَاكُمْ" (أَسَنَدُهُ الْإِمَامُ الدِّيَلَمِيُّ).

яъни: “Қурбонликларингизни каттароқ қилинглар, чунки улар Сирот кўпригида сизларга улов бўлади”, деб айтганлар (Имом Дайлабий ривояти).

Қурбонлик қилган киши қурбонлигининг гўштидан ейди, истаган кишиларга ҳадя қилади ва бир қисмини кейин ейиш учун олиб кўяди. Агар оиласи катта бўлса, қурбонлик гўштининг ҳаммасини оила учун олиб қолиши мустахабдир.

Азиз жамоат! Аллоҳ таоло сизу бизга қалбимиздаги ниятимизга кўра муомала қилади. Чунки, Қуръони каримда марҳамат қилинади:

لَنْ يَنَالَ اللَّهُ لُحُومَهَا وَلَا دِمَاؤَهَا وَلَكِنَّ يَنَالُهُ التَّقْوَى مِنْكُمْ كَذَلِكَ سَخَّرَهَا لَكُمْ لِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَاكُمْ وَبَشِّرِ الْمُحْسِنِينَ ﴿٣٧﴾ (سورة الحج/37).

яъни: “Аллоҳга (қурбонлик) гўштлири ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни хидоят қилгани сабабли - У зотни улуғлашларингиз учун - уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар беринг!” (Ҳаж сураси, 37-оят).

Ҳақиқатан ҳам, қурбонликка сўйилган ҳайвонларнинг гўштлирига ҳам, қонлирига ҳам Аллоҳ таоло муҳтож эмас. Қурбонлик қилишдан мақсад банданинг Яратувчи амрига итоатини ва тақвосини намоён этишдир. Банда ихлос билан қурбонлик қилиб, Аллоҳ йўлида жонлиқ сўймоқдами, демак, ўша банданинг Аллоҳ таолога тақвоси бор экан. Шу билан бирга қурбонлик қилиш банда учун Аллоҳни улуғлашга бир фурсатдир. Зеро, қурбонлик қилиш Аллоҳнинг шиорларидан бири бўлиб, Қуръони каримда шундай дейилган:

ذَلِكَ وَمَنْ يُعِظْكُمْ شَعَائِرِ اللَّهِ فَإِنَّهَا مِنْ تَقْوَى الْقُلُوبِ ﴿٣٢﴾ (سورة الحج/32).

яъни: “(Гап) шудир. Яна кимки Аллоҳнинг шиорлари (қурбонликлар)ни улуғ деб билса, бас, албатта, (бу) дилларнинг тақвосидандир” (Ҳаж сураси, 32-оят).

Ҳайит кунлари кишилар ўртасидаги дўстлик ва биродарликни, хайр-эҳсонни, умуман, эзгу ишларни кўпайтириш фурсати саналади. Мазкур кунларда Пайғамбаримиз ﷺ ўғитлирига мувофиқ мўмин-мусулмонлар бир-бирларини ҳайит билан қутлашлари, ўзаро ҳурмат-тавозеда бўлишлари, меҳрибонлик, саховат, оқибат кўрсатиш каби фазилатларни кўпроқ қилишлари керак.

Байрам кунларида ота-оналаримизни, устозларимизни, қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар, ёр-биродарларни, бемор, қарздор ва муҳтожларни зиёрат қилиш, ҳол-аҳвол сўраш, уларга ҳадялар бериб ёки ширин сўзларимиз билан хушнуд этиш мусулмон кишининг бурчидир.

Зеро, Ибн Аббос رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ ﷺ марҳамат қилганларидек:

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ أَحَبَّ الْأَعْمَالِ إِلَيَّ اللَّهُ بَعْدَ الْفَرَائِضِ إِدْخَالَ السُّرُورِ عَلَى الْمُسْلِمِ" (رواه الإمام الطبراني).

яъни: "Фарз амалларидан кейин Аллоҳга энг маҳбуб амал мусулмоннинг қалбига хурсандчилик киргизишидир" (Имом Табароний ривояти).

Бугунги улуғ айём кунда мусулмонлар бир-бирларига кучоқ очиб, Парвардигорлари инъом этган хушнудликни баҳам кўрадилар. Очик чеҳра, ёруғ юз билан кўнгилларига хурсандчилик улашадилар. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар оладилар, қарздорларга ёрдам берадилар, уларга моддий ва маънавий томондан кўмак берадилар. Кўпчилик инсонлар кексаларнинг дуосини олиш ниятида уларни зиёрат қиладилар. Бу кун дуолар қабул бўладиган кунда барча мўмин-мусулмонлар бир-бирларининг ҳақларига хайрли дуолар қиладилар.

Бировга меҳр кўрсатиш қанчалик савобли ва шарафли иш эканлиги барчамизга маълум. Меҳр-мурувват кимларга ва қандай кўрсатилиши ҳақида Қуръони каримда шундай марҳамат қилинган:

يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ خَيْرٍ فَلِلْوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينِ وَابْنِ
السَّبِيلِ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ ﴿سورة البقرة/215﴾

яъни: "Сиздан (эй, Муҳаммад,) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: "Ниманики хайр-эҳсон қилсангизлар, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингизлар! Ҳар қандай қилган эҳсонларингизни Аллоҳ билиб турувчидир" (Бақара сураси, 215-оят).

Азиз жамоат! Жонажон юртимизда Қурбон ҳайитини хотиржамлик ва осойишталикда қарши олмақдамиз. Юртимиз бўйлаб бу байрам жуда шоду хуррамлик ва кўтаринки кайфиятда кутиб олинмоқда. Бу ҳам бўлса, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик туфайлидир. Зеро, дунёвий ишларнинг ҳам бир маромда кетиши, охират ишларининг ҳам мукамал ва ҳаловат билан адо этилишида тинчлик ва хотиржамлик неъматининг ўрни беқиёсдир.

Бугунги кунда биз қатор мусулмон мамлакатларнинг фуқаролари турли фитналар оқибатида хузур-ҳаловатини йўқотгани, юз минглаб инсонлар ҳаётдан кўз юмаётгани, киндик қони тўкилган Ватанини тарк этишга мажбур бўлаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Аллоҳнинг ўзи бизнинг юртни бундай балолардан сақлаб келмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз кун сайин кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Ҳаётимизга беқиёс маъно ва мазмун олиб кирган тинчлик дея аталмиш бу бебаҳо илоҳий неъматнинг қадрига етиш, унинг шукрини қилиш, асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро, Аллоҳ таоло марҳамат қилиб бундай дейди:

وَمَنْ شَكَرَ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ لِنَفْسِهِ وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ رَبِّي غَنِيٌّ كَرِيمٌ ﴿سورة التمل/40﴾.

яъни: **“Ким шукр қилса, бас, албатта у фақат ўзи учун шукр қилур. Ким ношукурлик қилса, бас, албатта, Раббим (ҳамма нарсадан) беҳожат ва карамлидир”** (Намл сураси, 40-оят).

Ватан тинч бўлса, келажак авлод осойишта яшайди, юрт обод бўлади, тоат-ибодатлар ҳам ўз вақтида адо этилади. Демакки, ҳар бир инсоннинг зиммасида бутун жамият аъзолари учун муҳим бўлган тинчликни сақлаш йўлида ҳамкорлик қилиш энг зарурий бурч ва вожиб амалдир. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳар бир киши ўз бурчини сидқидилдан, ихлос ва эътиқод ила бажармоғи лозим. Тинчликни асраш деганда фақат қурол билан эмас, керак бўлса сўз билан, улғайиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ватанга тош отувчилар ва ифвогарларга қарши ғоявий курашиш, огоҳлик ва ҳушёрликни оширишга даъват қилиш йўллари билан инсон ўз юртини, миллатини, халқини ҳимоя қилиши зарур! Бу ҳам имоний бурчга, мусулмон кишининг масъулиятига киради.

Муҳтарам жамоат! Бу табаррук кунлар фазилатидан насиба олиш учун биз, мусулмонлар, биринчидан, ортга боқиб, ўтган умримизни сарҳисоб этишимиз, гуноҳ ва хатоларимизга тавба-тазаррулар қилишимиз лозим. Гуноҳни англаш абадий саодатга эришишнинг бир шарти бўлса, тавба қилиб яхши амаллар қилишга ўтиш унинг кейинги шартидир. Иккинчидан, мустақиллик туфайли эришган бундай доруломон замон, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонликда ҳаёт кечириш, ибодатларимизни мукамал адо этишда яратилган кенг шароитлар учун Аллоҳга шукроналар айтишимиз лозим. Зеро, неъматга шукр қилиш унинг баракотига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришларга диққат билан назар солсак, уларнинг марказида инсон манфаатлари, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти, фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиб-улғайиши каби бир-биридан буюк мақсадлар турибди.

Бинобарин, бу жараёнлар мазмун-моҳиятига кўра ислом дини таълимотларида ҳам ўз аксини топгандир. Зеро, Аллоҳ таоло инсонни ер юзида барча жонзотлардан устун қилиб, азизу мукаррам қилиб яратган.

Аллоҳга беҳисоб шукроналар бўлсинки, юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтириш бахтига мушарраф бўлмоқдамиз. Айниқса, сўнгги пайтда, давлатимиз томонидан Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази ва Мир Араб олий мадрасаларининг ташкил этилиши, ҳеч шубҳасиз, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Азизлар! Одатда ҳайит кунда ҳамма бир-бирини улуғ кун билан самимий муборакбод этади. Ҳайит намозини адо этгандан сўнг биринчи ўринда бизларни дунёга келишимизга сабабчи бўлган ота-оналаримизни, улардан кейин қариндош-уруғларимизни, ёру биродарларимизни, беморларни бориб зиёрат этамиз. Уларнинг кўнглини сўраш ва руҳиятини кўтаришга ҳаракат қиламиз. Айрим сабаблар билан ўзаро аразлашган гина-кудратли кишилар ҳам бир-бирларини муборак байрам кунда кечириб, ўзаро узрлар айтиб, бир-бирларига кучоқ очишлари лозим бўлади. Бу кун барчага қувонч улашиладиган кундир. Яна шуни ёдда тутмоғимиз лозим бўладики, Қурбон ҳайити байрам бўлгани учун, уни азага, хафагарчиликка айлантирмаслик даркор. Ўтганларимизни эслаш, уларнинг руҳларини шод этиб дуойи хайрлар қилишимиз яхши амал ҳисобланади, лекин булар ҳайит байрамига асло таъсир қилмаслиги лозим.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг розилиги йўлида холис ниятлар билан қилаётган қурбонликларимизни, ибодатларимизни даргоҳида ҳусни мақбул айласин! Юртимиздан муборак ҳаж сафарига борган барча ҳожиларимиз ибодатларини мукамал адо этиб, Ватанимизга соғ-саломат келишларини Аллоҳ таоло муваффақ қилсин! Омин!